

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2025 йил март ойининг 18 кунини жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Гайбуллаев, суд мажлиси котиби А.Захидов, тарафлардан Булунғур туман прокурорининг ёрдамчиси А.Хуррамов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Исаков ҳамда жабрланувчилар З.Бахриева, Н.Орипова ва Т.Мухидовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган;

[REDACTED] а туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ҳеч қаерда ишламайди, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2014 йил 30 майдаги ажримига кўра, унга нисбатан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2025 йил 16 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини [REDACTED] яшовчи, иш бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхаларини 2025 йил 22 январь ва 2025 йил 3 март кунлари олган, [REDACTED]

[REDACTED] га нисбатан 1-1405-2501/27-сонли жиноят ишини кўриб, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, томонларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил октябрь ойида Мухидов Толиб Амоновични ўғлини чет элга ишга юбориш ниятида эканлигини билгани ҳолда, фуқароларни Англия давлатига юборишга ҳеч қандай ваколоти бўлмаса-да, Т.Мухидовга унинг ўғлини 3 000 АҚШ доллари эвазига шартнома тузиш орқали виза олиб беришини ва Англияда яхши иш ҳамда ётоқ жой билан таъминлаши ҳақида ваъда бериб, 2023 йил октябрь ойи ўрталаридан 2024 йилнинг апрель ойига қадар Самарқанд шаҳрининг турли жойларида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 6 114 505 сўмга тенг бўлган



500 АҚШ доллари ҳамда ўша вақтдаги 700 АҚШ долларига ҳисоблаб 8 560 307 сўм миқдоридagi пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, судланувчи [REDACTED], ўзганинг мулкани такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил октябрь ойида Орипова Насиба Фатоевна билан Т.Мухидов орқали танишиб, уни ўғлини чет элга ишга юбориш ниятида эканлигини билгани ҳолда, Англия давлатига юборишга ҳеч қандай ваколоти бўлмаса-да, Н.Ориповага унинг ўғлини 3 000 АҚШ доллари эвазига шартнома тузиш орқали виза олиб беришини ва Англияда яхши иш ҳамда ётоқ жой билан таъминлашда ваъда бериб, 2023 йил октябрь ойи ўрталаридан 2024 йил апрель ойига қадар Самарқанд шаҳрининг турли жойларида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 3 687 703 сўмга тенг бўлган 300 АҚШ доллари ҳамда ўша вақтдаги 400 АҚШ долларига ҳисоблаб 4 891 604 сўм миқдоридagi пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED], ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил январь ойида Баҳриева Замира Очиловна билан танишиб қолиб, уни ўғлини чет элга ишга юбориш ниятида эканлигини билгани ҳолда, Англия давлатига юборишга ҳеч қандай ваколоти бўлмаса-да, З.Баҳриевага унинг ўғлини 3 000 АҚШ доллари эвазига Англия давлатида фаолият олиб борувчи меҳнат фирмалари билан шартнома тузиш орқали виза олиб беришини ва Англияда яхши иш ҳамда ётоқ жой билан таъминлашини ваъда бериб, 2024 йил 07 февраль куни Самарқанд шаҳри “Саҳоват” маҳалласи “А.Б.Розий” кўчаси 41-уй 11-хонадонида ҳамда 2024 йилнинг март ойига қадар Самарқанд шаҳрининг турли жойларида З.Баҳриевадан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 18 726 000 сўмга тенг бўлган 1 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

[REDACTED] суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам уни Самарқанд шаҳри ҳудудида у ёқ бу ёққа олиб юрадиган ҳайдовчиси бўлган Х.Файзиев, бир-икки мартаба Англияга бориб келиб юрганлиги учун, дастлаб уни ўзи ҳам ўғли билан бирга Англия давлатига ишга кетмокчи бўлиб, ҳужжатларини тайёрлаганликларини, Англия давлатидан унга шартнома келганидан кейин, Х.Файзиев худди шу шартнома асосида Англия давлатига бориб ишлаши мумкинлигини, унинг танишларига ҳам қандай ҳужжат тайёрлашни ўргатишлигини айтганидан сўнг, шу орада бир – иккита болаларни шу тартибда Англия давлатига юборганлигини, шундан кейин дастлаб Х.Файзиев орқали Т.Мухидов билан танишганлигини, Т.Мухидов унинг олдида ўзини ўғлини, Н.Ориповани ўғлини ва Фозил деган болани олиб келганлигини, уларни Англия давлатига юбориш учун дастлаб Т.Мухидовдан ўзининг ўғли учун 200 АҚШ доллари, Н.Ориповани ўғли учун 300 АҚШ доллари ва Фозил деган бола учун 300 АҚШ доллари олиб, болаларни Бухоро вилоятидаги фирма орқали юбориш учун ўзлари билан бирга бориб ҳужжатларини топширганлигини, ўша ерда тўловни қилганлигини, Т.Мухидовдан ва Н.Ориповадан уларнинг ўғлини Англия давлатига юбориш



учун шундан кейин 400 АҚШ долларидан ҳисоблаб, сўмда банк картасига ташлатиб олганлигини, бундан ташқари Т.Мухидовдан бир маротаба 300 АҚШ доллари ва яна бир маротаба 300 АҚШ долларига ҳисоблаб сўмда пул олганлигини, шунингдек З.Бахриева билан Х.Файзиевни турмуш ўртоғи орқали танишганлигини, З.Бахриевани ҳам ўғлини Англия давлатига юбориш учун жами 1 500 АҚШ доллари олганлигини, жабрланувчиларнинг пулларини тез орада қайтариб беришлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни баён қилди.

Судланувчи [REDACTED] айби унинг ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Т.Мухидовнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам у Х.Файзиев билан бирга ўқиганлиги, Х.Файзиев Англияда бўлган вақтида у билан телефон орқали гаплашиб турганлиги, у ҳам ўғлини Англия давлатига юбормоқчи эканлигини Х.Файзиевга айтганида [REDACTED] телефон рақамини берганлиги, шундан кейин [REDACTED] билан телефонда гаплашиб, унинг Самарқанд шаҳар Туризм коллежи биносига бўриб, [REDACTED] билан учрашганлиги, [REDACTED] 3 000 АҚШ доллари эвазига виза олиб Англияга юборишлигини, виза чиққунига қадар 500 АҚШ доллари беришлигини айтганлиги, уни ўғлини Англияга юбораётганлигини билиб, Н.Ориповани ўғли ҳам Англияга кетишлигини айтиб, Фозил деган ўртоғини ҳам олиб келганлиги, шундан кейин [REDACTED] уларни таништирганлиги, дастлаб [REDACTED] уни ўғлини, Н.Ориповани ўғлини ва Фозил деган болани Бухоро вилоятига олиб кетаётганида, [REDACTED] ўзининг ўғли учун 200 АҚШ доллари ва Н.Орипованинг ўғли ва Фозил учун 300 АҚШ долларидан жами 800 АҚШ доллари берганлиги, кейинчалик [REDACTED] 400 АҚШ долларига ҳисоблаб сўмда унинг пластик картасига ташлаб берганликлари, [REDACTED] унинг уйига келганида бир марта 300 АҚШ доллари ва яна бир марта ўзи ҳам кетишлигини айтиб 300 АҚШ долларига ҳисоблаб, сўм пул берганлиги, лекин терговда адашиб 1 000 АҚШ доллари деб нотўғри ёзилганлиги, шу сабабли ушбу пулларини [REDACTED] ундириб беришлик ҳақидаги кўрсатуви билан;

-жабрланувчи Н.Орипованинг, ҳақиқатдан ҳам ўли унга Англия давлатига ишга кетишини, жўраси, яъни Т.Мухидовнинг ўғли Азиз билан бирга кетишини айтганида, ўғлига дастлаб 300 АҚШ доллари берганлиги, кейинчалик яна ўғлига 400 АҚШ доллари берганлиги, ўғли эса 400 АҚШ долларини сўм қилиб, [REDACTED] пластик картасига ташлаб берганлиги, у тергов вақтида ўғлига икки маротаба 300 АҚШ долларидан берганлиги учун 1 000 АҚШ долларини [REDACTED] берганлигини айтганлиги, аслида эса 300 АҚШ долларини ўғли ўзини жўраси Фозилга берганлигини ўғлидан сўраб билганлиги, шу сабабли [REDACTED] унга етказилган зарарни ундириб беришлик ҳақидаги кўрсатуви билан;

-жабрланувчи З.Бахриеванинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам меҳмондорчиликка борган вақтида Х.Файзиевнинг турмуш ўртоғидан [REDACTED] фуқароларни Англия давлатига юбораётганлигини ўша даврада айтган вақтида эшитганлиги, кейин ундан [REDACTED] телефон рақамини олиб у билан гаплашганида, [REDACTED] 3 000 АҚШ доллари эвазига Англияга юборишлигини, дастлаб 1 000 АҚШ доллари беришликни айтганлиги, лекин [REDACTED] унда 800 АҚШ доллари борлигини айтиб, уйда [REDACTED] 800 АҚШ доллари



берганлиги, кейинчалик яшаш уйини пастига келиб, 200 АҚШ доллари, яна ўғли ва унга карта очишлигини айтиб 500 АҚШ доллари, жами 1 500 АҚШ доллари берганлиги, шу сабабли [REDACTED] унга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ А.Умаровнинг суддаги, жабрланувчи З.Бахриеванинг кўрсатувларига ўхшаш, гувоҳ А.Амоновнинг суддаги жабрланувчи Т.Муҳидовнинг кўрсатувларига ўхшаш худди шу мазмунда берган кўрсатувлари билан;

-шунингдек, жинойт ишидаги дастлабки тергов ҳужжатлари, яъни билдирги (1-жилд и.в. 6); З.Бахриеванинг оғзаки аризасини қабул қилиш баённомаси (1-жилд и.в. 27); кўздан кечириш баённомаси (1-жилд и.в. 41); [REDACTED] тилхати, пулни олаётган фотосурати ва диск (1-жилд и.в. 42-44); Т.Муҳидов ва Н.Орипованинг оғзаки аризаларини қабул қилиш баённомалари (2-жилд и.в. 5-6), кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, ёзишмалар фотосурати ва диск (2-жилд и.в. 34-57) ҳамда жинойт ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, судланувчи [REDACTED] фирибгарлик, яъни, алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, суд, тергов органининг судланувчи [REDACTED] жабрланувчи Т.Муҳидовнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 1 000 АҚШ доллари 12 229 010 сўм миқдоридаги пулларини олганликдаги айблови билан келишмайди.

Зеро, аниқланган ҳолатларга кўра, яъни суд мажлисида Т.Муҳидов [REDACTED] дастлаб 200 АҚШ доллари берганлиги, кейин 400 АҚШ долларига ҳисоблаб сўм пулларни унинг банк пластик картасига ўтказганлиги, яшаш уйини олдида 300 АҚШ доллари ва яна бир маротаба ўзини Англия давлатига кетиши учун 300 АҚШ долларига ҳисоблаб сўм пул берганлигини билдирди, [REDACTED] ҳам унинг ушбу кўрсатувларини тасдиқлаб ўтди.

Шу сабабли, суд айблов фабулага судланувчи [REDACTED] Т.Муҳидовнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 6 114 505 сўмга тенг бўлган 500 АҚШ долларини ҳамда ўша вақтдаги 700 АҚШ долларига ҳисоблаб 8 560 307 сўм миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда деб ўзгартиришни лозим топди.

Шунингдек, суд, тергов органининг судланувчи [REDACTED] жабрланувчи Н.Орипованинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 1 000 АҚШ доллари 12 229 010 сўм миқдоридаги пулларини олганликдаги айблови билан келишмайди.

Зеро, аниқланган ҳолатларга кўра, яъни суд мажлисида Н.Орипова [REDACTED] бериш учун ўғлига дастлаб 300 АҚШ доллари берганлиги, кейин 400 АҚШ доллари берганида ўғли 400 АҚШ долларини сўмга алмаштириб [REDACTED] банк пластик картасига ташлаб берганлиги, ўғлига берган кейинги 300 АҚШ долларини ўғли Фозил деган ўртоғи учун берганлигини билганлиги ҳақида кўрсатув берган бўлса, [REDACTED] суддаги кўрсатувида



Н.Орипованинг ўғли учун дастлаб 300 АҚШ доллари, кейин 400 АҚШ долларига ҳисоблаб пластик картасига пул ташлатиб олганлигини айтиб ўтди.

Шу сабабли, айблов фабулага судланувчи [REDACTED] Н.Орипованинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 3 687 703 сўмга тенг бўлган 300 АҚШ доллари ҳамда ўша вақтдаги 400 АҚШ долларига ҳисоблаб 4 891 604 сўм миқдоридаги пуллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда деб ўзгартиришни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] айбига иқрорлигини ва қилмишидан пушаймон эканлигини, оилали бўлиб, 2 нафар фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида кўрсатилган, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасидаги, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги қонун нормаларига;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги, “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандидаги, Жиноят кодекси 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини, 2 нафар фарзандлари борлигини ҳамда содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деб ҳисоблаб, шунингдек, ЖК 168-моддасининг 5-қисмидаги, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги талаблардан келиб чиқиб, жиноят оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарарнинг қопланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 168-моддасининг 3-қисми санкциясида назарда тутилган



озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни ҳамда судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятини хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда содир этмаганлиги боис унга нисбатан ЖК 57-моддасини тадбиқ қилиб, ЖК 168-моддасининг 3-қисми санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмасликни, унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришликни лозим топади.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг 10-бандидаги “жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим, бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади” деб кўрсатилган тушунтиришларига асосланиб, суд ҳукми чиқарилган кунда 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 12 943,39 сўмни ташкил қилишлиги, яъни т.Мухидовдан АҚШ доллари ҳисобида олган 500 АҚШ доллари 6 471 695 сўмни ташкил қилишлиги, Н.Ориповадан олган 300 АҚШ доллари 3 883 017 сўмни ташкил қилишлиги, З.Бахриевадан олган 1 500 АҚШ доллари 19 415 085 сўмни ташкил қилишлиги ва [REDACTED] жабрланувчиларга етказилган зарарларни қопламаганлиги боис, [REDACTED] Т.Мухидов фойдасига жами 15 032 002 сўмни, Н.Орипова фойдасига жами 8 774 621 сўмни, З.Бахриева фойдасига 19 415 085 сўмни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ундиришни белгилашликни;

шунингдек, жабрланувчиларга келгусида уларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларини ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддасига мувофиқ, фуқаровий даъво кўзғатиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиришни лозим топди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган Н.Орипова томонидан тақдим қилинган йигирма бир дона суратларни, икки дона ДВД дискларни ҳамда бир дона тилхатни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 464-468, 471-473, 476-моддаларига асосан,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2025 йил 16 январдаги ҳукми билан тайинланган 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатини ушбу ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш



жазосининг муддатига қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати илгариги ҳукм бўйича ҳисобга олинган кундан, яъни 2024 йил 15 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

■ нисбатан қўлланилган камоқ эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

■ жабрланувчи Т.Муҳидовнинг фойдасига 15 032 002 сўм, Н.Орипованинг фойдасига 8 774 621 сўм ҳамда З.Бахриеванинг фойдасига 19 415 085 сўм миқдорига зарар пуллари ундирилсин.

Жабрланувчи Т.Муҳидов, Н.Орипова ва З.Бахриевага уларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларини ундириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддасига мувофиқ, фуқаровий даъво қўзғатиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Н.Орипова томонидан тақдим қилинган йигирма бир дона суратлар, икки дона ДВД дисклар ҳамда бир дона тилхат жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчилар ҳукмнинг кўчирма нусхаси уларга топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят ва прокурор протест беришга ҳақли.

Раислик қилувчи: (имзо)
“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Ж.Гайбуллаев
Ж.Гайбуллаев

